

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc
26/30.12.2019.Т.11.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

САБУРОВ ХУРСАНД МАМБЕТСАЛИЕВИЧ

**МАҲАЛЛИЙ ХОМ АШЁЛАР АСОСИДА МОДИФИКАЦИЯЛАНГАН
БОҒЛОВЧИЛАР БИЛАН КЎЧУВЧАН ҚУМЛАРНИ ХОССАЛАРИНИ
ЯХШИЛАШ ВА ҚЎЛЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

05.09.05 – Қурилиш материаллари ва буюмлари

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Сабуров Хурсанд Мамбетсалиевич

Маҳаллий хом ашёлар асосида модификацияланган
боғловчилар билан кўчувчан қумларни хоссаларини
яхшилаш ва қўллаш технологияси.....3

Сабуров Хурсанд Мамбетсалиевич

Повышение закрепления подвижных песков
модифицированными закрепителями на основе
местных ресурсов и технология их применения.....21

Saburov Khursand Mambetsalievich

Increasing the consolidation of mobile sands with
modified fixers based on local resources and the
technology of their
application.....40

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....44

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 26/30.12.2019.Т.11.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

САБУРОВ ХУРСАНД МАМБЕТСАЛИЕВИЧ

**МАҲАЛЛИЙ ХОМ АШЁЛАР АСОСИДА МОДИФИКАЦИЯЛАНГАН
БОҒЛОВЧИЛАР БИЛАН КЎЧУВЧАН ҚУМЛАРНИ ХОССАЛАРИНИ
ЯХШИЛАШ ВА ҚЎЛЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

05.09.05 – Қурилиш материаллари ва буюмлари

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (Phd) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.4. PhD рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент архитектура-қурилиш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)), Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.taqi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Қосимов Иброҳим Ирқинович
техника фанлари доктори, в.б профессор

Расмий оппонентлар:

Ҳасанов Баҳридин Баратович
техника фанлари доктори, профессор
Турапов Махмуд Турапович
техника фанлари номзоти, доцент

Етақчи ташкилот:

Жиззах политехника институти

Диссертация ҳимояси Тошкент архитектура-қурилиш институти ҳузуридаги DSc.26/30.12.2019.Т.11.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «30» декабрь соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент ш., Абдулла Қодирий кўчаси 7в-уй. ТАҚИ, Архитектура факультети. Тел.: (99871) 241-10-84; факс: (99871) 241-80-00; e-mail: devon@taqi.uz, taqi_atm@edu.uz)

Диссертация билан Тошкент архитектура-қурилиш институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№67 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100084, Тошкент ш., Кичик Халқа йўли кўчаси 7-уй. Тел.: (99871) 232-43-30; факс: (99871) 234-15-11, e-mail: taqi_atm@edu.uz). факс: (99871) 241-80-00; e-mail taqi_atm@edu.uz).

Диссертация автореферати 2021 йил «_____» _____ куни тарқатилди.
(2021 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Х.А. Акрамов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

А.Т. Хотамов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, т.ф.д., доцент

Б.А. Асқаров

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги Илмий семинар
раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик диссертациясининг аннотацияси)

Муаммонинг долзарблиги. Жаҳонда кумли ҳудудларда йўл қурилиши талабларидан келиб чиқиб автомобиль ва темир йўлларни барпо қилиш ҳамда улардан узлуксиз фойдаланишнинг аҳамияти кун сайин ортиб бормоқда. Бу билан мазкур инфратузилма объектларидан фойдаланишнинг хавфсизлиги ва эксплуатацион ҳолатини таъминлаш, уларга турли хил омилларнинг салбий таъсирини камайтириш муҳим масалага айланиб қолди. Мазкур объектларга салбий таъсир кўрсатадиган омиллардан бири сифатида кўчувчан кумларнинг автомобиль ва темир йўлларга мавсумий тарзда таъсир кўрсатиши саналади. Бу муаммо дунёнинг аксарият мамлакатларида долзарб масала бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун бу мамлакатлар, хусусан, Хитой, АҚШ, Эрон, Россия, Қозоғистон, Туркманистон каби давлатларда автомобиль ва темир йўлларни кўчувчан кумлар ва уларни учириб келувчи шамол таъсиридан ҳимоялаш технологияларини такомиллаштиришга катта эътибор қаратилаёпти. Шу нуқтаи-назардан автомобиль ва темир йўлларни кўчувчан кумларнинг салбий таъсиридан ҳимоя қилиш борасида кумларни қотириш усуллари ва технологияларини замонавий талаблар асосида ишлаб чиқиш, кум ва шамол дефляциясига қарши ҳимоя воситаларни ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг мустаҳкамлигини баҳолаш бўйича ресурс ва энергия тежамкорлигига олиб келадиган усулларни яратиш, кумни қотириш учун янги авлод материалларининг таркибларини ишлаб чиқиш долзарб бўлиб саналади.

Жаҳоннинг техник ва технологик жиҳатдан илғор мамлакатларида автомобиль ва темир йўлларни кум босишидан сақлаш учун кўчувчан кумларни мустаҳкамлашнинг биологик, механик, физикавий-кимёвий усулларини ҳамда улар асосида комбинациялашган ресурс тежамкор технологияларни ишлаб чиқиш бўйича бир қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Таъкидлаб ўтиш керакки, автомобиль ва темир йўлларни кўчувчан кумлар таъсиридан ҳимоялашнинг энг самарали йўллари сифатида боғловчиларни кўчувчан кумларга технологик йўл билан шимдириш, бунинг натижасида кум майдонлари юзасида кум дефляциясига қарши қатлам ҳосил қилиб, маҳкамлаш (қотириш)нинг физик-кимёвий усулларини такомиллаштириш ҳисобланади. Бундан ташқари, кум дефляциясига қарши ҳимоя кум-боғловчи қатламининг мустаҳкамлигини баҳолашда маълум бир мезонларга таянган ҳолда ресурс ва энергия тежамкор усулларни ишлаб чиқишнинг устувор ва истикболли йўналиши бўлиб қуруқ ва нам ҳолатдаги кўчувчан кумларни мустаҳкамлаш учун маҳаллий саноат ишлаб чиқаришининг чиқиндиси саналувчи иккиламчи хом-ашё ресурсларидан эритма сифатида фойдаланиб, улардан боғловчиларнинг ишчи таркибларини олиш асосида кум ҳимоя қатламининг янада самарали турларини ишлаб чиқиш катта эътибор қозонмоқда.

Мамлакатимизда кумли ҳудудларда саноат, махсус ва транспорт иншоотларини қуриш, улардан фойдаланиш соҳасида, хусусан, автомобиль ва темир йўлларнинг эксплуатацион ҳолатини яхшилаш ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар

амалга оширилмоқда ва бунда муайян натижаларга эришилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “миллий иқтисодийнинг рақобатбардошлилигини ошириш, иқтисодийда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришда энергия тежайдиган технологияларни жорий этиш”¹ вазифалари белгилаб берилган. Мазкур вазифаларни амалга ошириш, жумладан, объектларни кўчувчан қумлардан сақлаш учун комплекс ресурстежамкор, белгиланган хоссаларга эга бўлган ва қум дефляциясига қарши хизмат қиладиган буюм-қатламни яратиш, кўчувчан қумларни мустаҳкамлашда меҳнат унумдорлигини оширувчи технологияларни ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири бўлиб саналади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 декабрдаги ПҚ-3422-сонли «2018-2022 йилларда транспорт инфратузилмасини такомиллаштириш ва юк ташишнинг ташқи савдо йўналишларини диверсификациялаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорида, 2019 йил 20 февралдаги ПҚ-4198-сон «Қурилиш материаллари саноатини тубдан такомиллаштириш ва комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур соҳа фаолиятига тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига боғлиқлиги. Ушбу тадқиқот Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларини ривожлантиришнинг II - «Энергетика, энергия- ва ресурстежамкорлик» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қум кўчишлари, чўллашиш муаммоси бугунги кунда халқаро миқёсда энг долзарб экологик муаммолардан бири ҳисоблангани учун бу йўналишда турли даврларда хорижий ва миллий миқёсда кўплаб илмий-тадқиқотлар олиб борилган. Бундай илмий-тадқиқот ишларидан олинган натижалар турли тилларда нашр этилмоқда (Toupet, Charles-Paris; Ashkenazy, Y.Yizhaq, H.Tsoar, H.-Australia; Courel, M.-Paris; Rochette, R.-Weikersheim, Magraf). Мазкур муаммони илмий тадқиқ қилиш йўналишидаги Ben Salah Chafik, Pouget M. Fezzani C., Robert S. McNamara, Sharon David, Tamara Vereshchaka, Edward Arnold ва бошқа шу каби хорижий тадқиқотчи-олимларнинг илмий ишлари диққатга сазовордир.

Ўзбекистон Республикаси шароитларида кўчувчи қумларни қотириш муаммоси билан Журиин номидаги Ўрта Осиё Ирригация ва мелиорация ТИТ (САНИИРИ), ТТЙМИ, ТАҚИ, Тошкент кимё-технология илмий-тадқиқот институти, Ўзбекистон Республикаси ФА Умумий ва ноорганик кимё институти лабораторияларида, Ахмедов К.С., Ивлев Н.П., Палагашвили В.М., Каменев А.М, Мирахмедов М.М., Адилходжаев А.И., Лем Р.А., Қосимов Э.У., Фазилов Т.И., Муҳамедғалиев Б.А., Агзамходжаев А.А., Қўлдошева

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда бешта устувор йўналишлар бўйича ривожлантириш Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон фармони.

Ш.А., ва бошқалар боғловчи сифатида битум, госсипол смола эмульсияси, юқори смолали нефтлар, сульфид-дрожжали бражка эритмаси (СДБ), ГИПАНнинг натрийли тузи эритмаси (К-4, К-9 полимерлари), сувда эрувчи полимерлар ва полиэлектролитлар ўрганилган. Лекин уларнинг ишланмаси бўйича боғловчи эритмаларини тайёрлаш технологияси мураккаб ҳамда махсус механизация воситаларини талаб этади. Бу ҳолат мазкур диссертация иши мавзусида кўтарилаётган мавзунинг долзарблигини ва бу борада ҳозирги давр талабларига мос равишда ресурс ва энергия тежамкор технологиялар асосида модификацияланган технологияларни яратиш заруратини таъкидлайди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Тошкент архитектура-қурилиш институтининг “Минерал ва полимер боғловчилар асосида композицион қурилиш материаллари яратиш ва тадқиқ қилиш” мавзуси бўйича олиб борилган амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади кўчувчи кумларни саноатнинг техноген чиқиндилари асосида махсус хусусиятга эга бўлган қотирувчи самарали таркибларни ва уларни олиш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

куруқ кум юзасида мустаҳкам ҳимоя қатламини ҳосил қилиш учун сувда эрувчи саноат техноген чиқиндилари асосидаги («СХМ-1» ва «СХМ-2») полимер-боғловчиларни олиш;

саноат ва синтез қилинган турли боғловчиларнинг кум юзасидаги намлигининг ўзгаришини ва шимилиш жараёнини ўрганиш;

кум юзасидаги мустаҳкам ҳимоя қатламининг «СХМ-1» ва «СХМ-2» полимерлари томонидан ҳўл кум юзасида ҳосил бўлиш имкониятларини ўрганиш;

кум юзасидаги маҳаллий ва иккиламчи ресурслар асосида олинган «СХМ-1» ва «СХМ-2» полимер эритмаларининг мустаҳкам ҳимоя қатламида структура шаклланиши жараёнига кумнинг гранулометрик ва минералогик таркибининг таъсирини тадқиқ этиш;

нам ва куруқ кум юзасида «СХМ-1» ва «СХМ-2» полимер эритмалари асосида мустаҳкам ҳимоя қатламини олиш технологиясини ишлаб чиқиш;

«СХМ-1» ва «СХМ-2» полимер асосида қотирилган кўчувчан кумнинг совуққа чидамлилигини ўрганиш;

таклиф этилаётган ишлангани техник-иқтисодий жиҳатдан асослаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида кум юзасининг дефляцияси ва кум учишини камайтирувчи, кум субстратининг полимер-боғловчи билан ҳосил қилган мустаҳкам ҳимоя қатлами танланган.

Тадқиқотнинг предмети кумни нам ва куруқ ҳолда маҳаллий ва саноат техноген чиқиндилари асосида олинган полимер-боғловчилар билан ҳосил қилган мустаҳкам ҳимоя қатламининг физик-механик, физик-кимёвий ва техник-иқтисодий параметрлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида кимёвий, рентген-фазавий, дифференциал-термик ва электрон-микроскопик таҳлил усуллари ҳамда қўшимчаларнинг кум юзасининг физик-кимёвий ва физик-механик хоссаларига бўлган таъсирини ўрганишда стандарт усуллар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

сувда эрувчи маҳаллий sanoat техноген чиқиндилари асосида куруқ кум юзасида мустаҳкам ҳимоя қатламини ҳосил қилувчи қотирувчи-реагент олиш имкониятлари ўрганилиши натижасида бу реагентларни олишнинг илмий асослари ишлаб чиқилган;

турли боғловчиларнинг кум юзасидаги намлик ўзгариши ва шимилиш жараёнининг қонуниятлари тадқиқ қилиниши асосида синтез қилинган «СХМ-1» ва «СХМ-2» полимерларининг кум таркибидаги гранулометрик ва минералогик таркибининг кум ҳимоя қатламини қотирилишига таъсири аниқланган;

нам ва куруқ кум юзасида «СХМ-1» ва «СХМ-2» полимер эритмалари воситасида ҳимоя қатламини ҳосил қилиш ва унинг шимилиши, намликни сақлаб туриши жараёнларининг яхшиланиши асосида шамолга ва совуққа чидамлилиқ хоссалари яхшиланиши аниқланган;

нам ва куруқ кум юзасида «СХМ-1» ва «СХМ-2» полимерлари асосида мустаҳкам ҳимоя қатламини ҳосил қилиш технологиясининг иқтисодий самарадорлиги асосланди.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

“Навоийазот” АЖ ГИПАН ишлаб чиқариш жараёни чиқиндиси ва «Максам-Аммофос» АЖ чиқиндиси фосфогипс асосида олинган «СХМ-1» ва лигносульфонатни фосфорлаб олинган «СХМ-2» полимер-боғловчи қўшимчасини ишлаб чиқаришнинг ва уларни чўл зонасида жойлашган автомобил ва темир йўл дистанциялари атрофида кўчувчи кумларни қотиришда қўлланилишининг технологик, экологик ва иқтисодий самарадорлиги асосланган;

«СХМ-1» ва «СХМ-2» полимер эритмалар ишлаб чиқаришнинг технологик схемаси ишлаб чиқилган;

«СХМ-1» ва «СХМ-2» полимер эритмаларнинг оптимал таркиблари ишлаб чиқилган;

фаол «СХМ-1» ва «СХМ-2» полимер-боғловчиларини қурилиш ашёлари ишлаб чиқариш sanoatида кенг қўлланилиши республикамизда чўл худудларидаги ирригация-мелиорация, транспорт инфраструктураси фаолиятининг тўхтовсиз, ортиқча энергия, моддий ресурсларни сарфламасдан давом этишига, транспортларнинг пассажир ва юк ташиш ҳажми ошишига, унинг таннархи пасайишига ва атроф-муҳит яхшиланишига олиб келиши исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги янги турдаги «СХМ-1» ва «СХМ-2» полимер-боғловчиларнинг физик-механик ва физик-кимёвий хоссаларини кимёвий, дифференциал-термик таҳлил, электрон-микроскопик, спектроскопик ҳамда тегишли меъёрий ҳужжатлар талаблари бўйича стандарт усулларни қўллаб, олинган хулосаларнинг назарий асос бўлувчи ва

ишланмаларни ишлаб чиқариш шароитларида апробация қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти янги турдаги ноанъанавий фаол «СХМ-1» ва «СХМ-2» полимер-боғловчиларнинг қум таркибидаги ноорганик, минерал ингредиентлар кварц, слюда, дала шпати билан ўзаро таъсирлашиб, мустаҳкам кимёвий боғ ҳосил қилиши, «СХМ-1» ва «СХМ-2» боғловчиларни «қум-сув» тизимида гидратланиш, структура ҳосил қилиш жараёнларини жадаллаштириши ҳисобига физик-механик хоссалари юқори бўлган мустаҳкам ҳимоя қатламининг шаклланишига ижобий таъсир кўрсатиши илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти нарҳи арзон бўлган полимер-боғловчилар асосида автомобил ва темир йўл атрофида қум учинини камайтириш, қум юзасининг дефляцияга, шамол ва сув эрозиясига чидамлилигини оширишдан иборат бўлиб, бу транспорт инфраструктураси баланстини оширишни, ҳаракатлар динамикасини яхшилаш, натижасида атроф-муҳитни соғломлаштиришга йўналтирилган энергия- ва ресурстежамкор технологияларнинг ишлаб чиқилишига хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. «Маҳаллий хом-ашёлар асосида модификацияланган боғловчилар билан кўчувчан қумларнинг хоссаларини яхшилаш ва қўллаш технологияси бўйича олинган натижалар асосида:

«СХМ-1» ва «СХМ-2» полимер-боғловчи эритмалари асосида қум юзасида мустаҳкам монолит ҳимоя қатламини олиш технологияси Мискин-Учқудуқ темир йўл станцияси оралиғидаги темир йўлнинг 123-138 километрида қўлланилди. («Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси 10.05.2021 йил № 05/15 24-94 сонли маълумотномаси); Натижада «СХМ-1 ва СХМ-2» русумли полимерларни қўллаш натижасида полиакриламид полимериға қараганда мустаҳкамликни 25-30% га оширишга, таннарҳни 27,44 % га камайтиришга, қўллаш технологияси натижасида иш самарадорлигини 110-120% га ошириб, инсон қўл меҳнатини 15-20% қисқартишга эришган.

Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли туманидаги автомобил йўлларининг "4к-43/д/х-Амударё-Учқудуқ-Тошовуз» йўлида қўлланилган. (Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги автомобил йўллари қўмитасининг 2021 йил 27 сентябрдаги 02/3757-4228-сон маълумотномаси.) Натижада хориждан валюта ҳисобига келтириладиган полимер боғловчилардан бутунлай воз кечиш, композицияларни 100% «СХМ-1» ва «СХМ-2» қўшимчаларига алмаштириш имконияти яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 5 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий нашрлар чоп этилган, улардан 1 таси

монография, 8 таси илмий мақолалар, жумладан, 4 та мақола хорижда, 4 та мақола Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик (PhD) диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган республика журналларида чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 117 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида бажарилган диссертация тадқиқотларининг долзарблиги асосланган, тадқиқотларнинг мақсад ва вазифалари ҳамда тадқиқот объекти ва предмети келтирилган, тадқиқотларнинг Республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларга мос келиши кўрсатилган, тадқиқотларнинг илмий янгилиги ва олинган натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти ифодаланган, тадқиқот ишлари натижаларининг ишлаб чиқаришга тадбиқ этилганлиги таъкидланган, тадқиқот ишлари натижаларининг апробацияси ҳақида маълумотлар ва диссертация мавзуси бўйича чоп этилган илмий мақолалар, шунингдек, диссертация структураси ва ҳажми тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Кўчувчан қумларни мустаҳкамлашда қумни қотириш муаммосининг бугунги ҳолати”** деб номланган биринчи бобида дунёда, жумладан, Ўзбекистонда чоп этилган илмий-техник адабиётларда муаммонинг замонавий ҳолатига берилган таҳлилий шарҳлар ва изоҳлар келтирилган. Бунда қумни қотирувчи турли елим композицияларнинг сифатини яхшилашда фаоллаштирилган полимер табиатли тўлдиргичларни қўллаш алоҳида муҳим аҳамият касб этади.

Қум зонасидаги дефляция жараёнларини бартараф этиш мақсадида яратилаётган мустаҳкам полимер қум қатламини сунъий қурилиш конгломерати сафига киритиш мумкинлиги кўрсатилган.

Диссертация ишининг мавзуси бўйича келтирилган адабиёт манбаларини таҳлил қилиш асосида тадқиқотнинг илмий ишчи фарази, мақсади ва вазифалари аниқланди. Саноат техноген чиқиндилари асосида қум сиртида мустаҳкам ҳимоя қатламини ҳосил қилувчи полимер қотирувчиларнинг физик-кимёвий хоссалари дифференциал-термик, элемент таркиб таҳлили, ПМР- ва ИҚ-спектроскопияларини таҳлил қилиш асосида тадқиқ қилинди ва бундай таҳлиллар уларнинг кимёвий структурасини чуқур ўрганиш имконини беради.

Диссертациянинг илмий ишчи фарази: Саноат техноген чиқиндилари асосида олинган полимер-қотирувчиларнинг қум сиртида мустаҳкам ҳимоя қатламини ҳосил қилиши, уларнинг дефляцияга, сув ва шамол эрозиясига бардошлигини ва физик-механик хоссаларини кескин яхшилайти.

Диссертациянинг **“Тадқиқот жараёнида ишлатилган ашёлар ва тадқиқот усуллари”** деб номланган иккинчи бобида саноат техноген чиқиндилари асосида қум сиртида мустаҳкам ҳимоя қатламини ҳосил қилувчи полимер-қотирувчилар синтез қилинди. Қум зонасидаги автомобиль

ва темир-йўл инфраструктураси атрофида кумларни қотирувчи полимер эритмаларининг физик-кимёвий хоссалари келтирилган.

Диссертация ишининг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, тадқиқот методлари асосланган ҳолда танланди. Экспериментал тадқиқотларда стандартлаштирилган физик-механик методлар билан бир қаторда физик-кимёвий таҳлил методларидан, хусусан, олинган полимерларнинг структурасини ўрганишда ИҚ-, ПМР- ва УБ-спектроскопик, рентген структура, ва дифференциал-термик таҳлиллардан фойдаланилди.

Диссертациянинг “Ишлаб чиқарилган полимер-қотирувчи реагентларни кумнинг хоссаларига таъсирини ўрганиш” деб номланган учинчи бобида турли ҳудудлардан келтирилган кумларнинг гранулометрик, минерологик таркиби ва физик-кимёвий таҳлилида чўл зоналаридаги турли минерологик ва гранулометрик кўрсаткичга эга бўлган кум намуналарининг таҳлил натижалари келтирилган.

Учувчан кумларнинг эрозияга мустаҳкам қатлам фильтрация тезлигини ўрганиш учун биз «Максам-Аммофос» ОАЖ чиқиндилари асосида олинган фосфорли бирикмалар билан фосфорилланган ГИПАН чиқиндиси асосида сувда эрийдиган полимер-фиксаторларни ишлаб чиқариш технологиясини ишлаб чиқиш ва амалий хоссаларини ўрганиш бўйича тадқиқотлар ўтказдик.

Реакция маҳсулоти ўзига хос ҳидли жуда ёпишқоқ, рангсиз ёки сариқ рангли суяқликдир, уларнинг физик-кимёвий хусусиятлари тўлиқ аниқланди. Кум юзасига полимер эритмаларини сепиш ва пуркаш йўли билан ишлов берилди (1-жадвал).


1-жадвал

Полимернинг сувли эритмаларини ҳосил бўлаётган чўкма ҳажмига, фильтрация тезлигига ва суспензия фильтратининг қовушқоқлигига таъсири

№	Суспензиядаги полимер концентрацияси, %	Суспензия рН	Чўкма ҳажми, см ³	Фильтрация тезлиги, мл/мин	Фильтратнинг нисбий қовушқоқлиги, г/дл
1.	0	7,8	2,40	2,50	-
2	ПАА -0,1	7,4	2,78	1,6	0,64
3	ПАА -0,2	7,3	2,72	1,4	0,56
4	ПАА- 0,5	7,1	2,68	1,2	0,48
5	СХМ-1 - 0,1	7,3	2,42	2	0,8
6	СХМ-1 - 0,2	7,1	3,10	1,9	0,76
7	СХМ-1 - 0,5	6,9	3,24	1,5	0,6
8	СХМ-2 - 0,1	7,5	2,40	1,8	0,72
9	СХМ-2 - 0,2	7,3	2,99	1,7	0,68
10	СХМ-2 - 0,5	7,0	3,20	1,4	0,56


Тадқиқот давомида синтез қилинган полимер-қотирувчи «СХМ-1» нинг дисперс заррачалар билан ўзаро таъсири кўпгина омилларга, яъни, полимер ва минерал суспензиясининг концентрацияси, электролитларнинг мавжудлиги, ҳарорат, шўрланиш даражаси ва бошқаларга боғлиқлиги аниқланди. Шундай қилиб, биз ишлаб чиққан «СХМ-1»нинг саноат полимери полиакриламид билан солиштирма таҳлили шуни кўрсатдики, полиакриламид препаратлари кум зарралари билан ўзаро таъсир қилганда кумнинг сиртки қисмида унча мустаҳкам бўлмаган мўрт структура ҳосил

килади, бунинг сабаби, ПААнинг катта макромолекулалари суспензия таркибидан қум ва бошқа дисперс заррачаларнинг ички қатламига диффузияси, яъни, сингиб кетиши қийинроқ амалга ошади (1-расм).



1-расм. Полимер-қотирувчининг турли концентрациядаги эритмасининг қум заррачалари ички қатламига диффузияси: а-0,1%, б-0,2%, с-0,5% ли эритмалар.

Биз синтез қилган полимернинг сувли эритмаси ўзининг ҳаракатчанлиги, юқори даражада фаоллиги ва молекуляр массасининг пастлиги натижасида қум заррачаларининг ички қатламларига осонгина киришига, шунингдек, кварцли қум таркибидаги металл оксидлари, магний, кальций, темир ва кремний Si-элементлари билан мустаҳкам кимёвий боғ ҳосил бўлишига олиб келди, бу ҳодиса полимер-фиксатор билан қотирилган қум намунасининг ИҚ-спектрини ўрганиш жараёнида аниқланди (2-расм).



2-расм. ГИПАН ва фосфорланган ГИПАН «СХМ-1» полимер-қотирувчи билан қотирилган қум намунасининг ИҚ-спектри.

Бунинг натижасида қум юзасида ҳосил бўлган ҳимоя қатламинининг физик-механик мустаҳкамлиги, шамол ва сув эрозияга бардошлиги ортишига эришилди. Ушбу полимерлар иштирокидаги қум суспензиясининг рН-даражаси ПАА сувли эритмаси ҳосил қилган суспензияда бўлгани каби сезиларли даражада ўзгармади, бу эса аралашманинг водород ионлари концентрациясининг ўзгаришига қумнинг буфер таъсири билан боғлиқдир. Бу борада истисно Са-ПАА бўлиб, бу ерда полимер таркибининг кўпайиши рН кўрсаткичининг ошишига олиб келади.

Полимер-қотирувчининг хусусиятларини таҳлил қилгандан сўнг, фосфорланган ГИПАН чиқиндисининг фосфорланган полимер маҳсулоти бўлган «СХМ-1» полимер-фиксатор эмульсияси пластиклаштирувчи ва қатламнинг сувга чидамлилигини оширувчи қўшимча эканлиги аниқланди. «СХМ-2» маркали полимер-фиксаторининг эмульсияси қўлланилган тадқиқотлари бу полимер фиксатори, асосан таркибида темир, турмалин, герматит, магнетит каби оғир металл ионлари бўлган оғир қум фракция худудларида юқори самара бериши аниқланди. Олинган экспериментал

маълумотларни таҳлил қилиб, биз «СХМ» сериясидаги полимер-фиксаторларнинг самарадорлигини кум суспензияси таъсирига қараб ҳисобладик.

Саноат полимери ПАА ва синтез қилинган «СХМ» сериясидаги полимер-фиксаторларнинг сувли эритмалари билан ишлов берилган кум заррачалари ва қатламларининг шамол эрозиясига чидамлилиги уларни шамол туннелида ҳавони аэродинамик пуфлаш камераси орқали аниқланди. Қотирувчи билан ишлов берилмаган кум юзасида шамол кучли (18-20 м/с тезликда) эсганда 40 % гача енгил фракция кумлари учиб кетса, ПАА- 0,5% ли 4 л/м² га ишлов берилганда 0,8%, қотирувчи билан ишлов берилган кум юзасидан 12-15% енгил фракция, «СХМ-1» 0,5% 3 л/м² да ишлов берилганда 0,3%, «СХМ-2»-0,5% 2 л/м² қўлланилганида эса 0,1%, ни ташкил этиши аниқланди. Бу натижалар «СХМ»-русумидаги полимер-қотирувчиларнинг кум таркибидаги барча фракцияларни камраб олишидан далолат беради.

Кумларни полимер-фиксаторларнинг сувли эритмалари билан ишлов бериш кераклигини ҳисобга олиб, кум-сув ўтказгич тизимида структуравий тузилиш ҳосил бўлиши, кумдаги сув дисперсиясининг электр ўтказувчанлигини ўрганиш бизда ўзига хос катта қизиқиш уйғотди.


Кумнинг сиртида электр ўтказувчанлиги тарқалишини ўрганиш турли хил муҳитларда дисперс заррачалари сиртининг контакт зонасини ташкил этадиган янги ҳосилаларнинг пайдо бўлиши билан доналарнинг сиртини ёйиб юбориши мумкинлиги аниқланди ва бу хусусият муҳитнинг рН-даражасининг ортиши билан пропорционал тарзда ортиши аниқланди.

Монолит ҳимоя қатламининг барқарорлиги тўлиқ «СХМ-1» ва «СХМ-2» полимер-фиксаторининг сувга, куёш нури таъсирига ва об-ҳавога чидамлилигига боғлиқлигини кўрсатди. Боғловчи билан ишлов берилган кумли қатлам об-ҳавога чидамлилиги билан бир қаторда атмосфера намлигини ўзидан ўтказиш ва кумнинг намлигини сақлаб туриш қобилиятига эга бўлиши керак, бу айниқса қурғоқчил ва ўта иссиқ келган ёз шароитларда жуда муҳимдир. Агар қатлам ушбу хусусиятларнинг комбинациясига эга бўлса, унда фитомелиорация самарадорлиги ошади.


Полимер-кум тузилишини шакллантириш кинетикаси кум ва полимер-фиксаторнинг ўзаро таъсирлашиш тезлиги, хусусан, ёпишқоқлик хусусиятларни аниқлаб берадиган адсорбция жараёнига боғлиқ. Шу сабабли қотирувчи реагентнинг табиатини аниқлаш учун контакт зонасида ҳосил бўладиган агрегат тузилишларнинг пайдо бўлиши табиатини ўрганиш ишларини олиб бордик. Шу сабабли биз турли ҳудудлардан келтирилган кум намуналарининг саноат полимери ПАА ва «СХМ» русумидаги полимер-фиксаторлари билан қотирилгандан кейинги ҳақиқий, сочма ва нисбий зичликларини аниқладик (3- ва 4-расм). Кутилганидек, «СХМ-1» кум ва полимер-фиксатор ўртасидаги ўзаро таъсирлашув вақти ошгани сайин монолит ҳимоя қатламининг ҳақиқий ва сочма зичлиги ва унга пропорционал равишда қатлам мустаҳкамлиги ортиб боради.

Қатлам мустаҳкамлиги кучи ўзгаришининг полимер-фиксатор концентрациясига боғлиқлик графиги шуни кўрсатдики, 1 л/м² дан 3 л/м²

гача бўлган полимер концентрациясида пластик мустаҳкамлик қиймати деярли доимий ўзгармас бўлади, 3 дан 5 л/м² гача қийматда эса ортади ва фиксаторнинг таъсирини янада сезиларли даражада камайишига олиб келади. Шу билан бирга, қумдаги фиксаторнинг қотириш жараёни ёмонлашади, бу унинг қум юзасида қийинроқ тарқалиши билан тавсифланади.



3-расм. ПАА (1), «СХМ-1» (2) ва «СХМ-2» (3), полимер-фиксаторнинг қум зичлигига таъсири.



4-расм. ПАА (1), «СХМ-1» (2) ва «СХМ-2» (3) полимер-фиксаторнинг қум тўкма зичлигига таъсири.

Қатламнинг сувга чидамлилигига турли хил омилларнинг таъсири ўрганилди ва ушбу омилларнинг қийматлари аниқланди.

Турли атмосфера омиллари ва уларнинг комбинацияси таъсирида ҳимоя қатламининг тузилиши чуқур функционал ўзгаришларга учрайди, бу асосан полимер-фиксатори хусусиятларининг ўзгариши билан изоҳланади. 20, 40 ва 60 цикл учун ИП-1-3М об-ҳаво ўлчагичида намуналарни синовдан ўтказгандан сўнг, оптимал концентрациядаги «СХМ-1» полимер-фиксатори эритмаси билан бархан қумини сингдириш натижасида ҳосил бўлган ҳимоя қатлами материалнинг пластик ўзгариши синовдан ўтказилди. Синовлар шуни кўрсатдики, сувда эрувчи полимер фиксаторлар билан ишлов берилган намуналар 25 ва 35 маротаба синов цикллари табиий шароитда полимер қум қатламининг 1,5-2,5 йил мобайнида бемалол ўзининг амалий хоссаларини сақлай олиши мумкин экан ва бу унга қўйилган талабларга тўлиқ мос келади.

Диссертациянинг “Чиқиндилар асосида олинган қумни қотирувчи реагентларнинг физик-кимёвий, структура ҳосил қилиш ва реологик хоссаларини ўрганиш” деб номланган тўртинчи бобида маҳаллий хом-ашё ва чиқинди асосидаги полимер-реагентлар билан ишлов берилган қумнинг физик-кимёвий, коллоид хоссаларини ўрганиш натижалари келтирилган.

Қорақалпоғистоннинг кўпгина худудларидан, Бухоро, Хоразм вилоятидан келтирилган қум суспензиялари систематик равишда тўлиқ тадқиқ қилинди. Синтез қилинган «СХМ-1» ва «СХМ-2» полимерларининг полиакриламид (ПАА) билан солиштирма кўрсаткичларини ўрганиш шуни кўрсатдики, полиакриламид полимерлари қум заррачалари билан ўзаро таъсирлашиб, натижада суспензияда структурани ҳосил қилади. Қум суспензиясида полимерлар ва ГИПАНнинг мавжудлигида рН-нинг қиймати ўзгармайди, бу ҳолат суспензиядаги водород ионларининг концентрацияси

Ўзгаришига қум буфер сифатида таъсир кўрсатиши билан изоҳланади. Қум суспензиясидаги ҳосил бўлаётган чўкманинг нисбий ҳажми синтез қилинган полимерлар таъсирида турлича ўзгаради. Барча зарралар боғланганда структуранинг бузилиши суюқ фазанинг филтрланишини тезлаштиради. Бу эса ҳақиқатда синтез қилинган полимернинг қум зарралари билан яхшироқ ютилишидан далолат беради.

Микроагрегатлар ёпишқоқлигига қумнинг гранулометриқ таркиби катта таъсир кўрсатди. Қумдаги натрий хлор ва кальций хлориднинг мавжудлиги «СХМ-2» полимери билан ишлов берилганда зич бўлмаган таркибдаги чўкма ҳосил қилишига олиб келди. Эксперимент натижасида синтез қилинган «СХМ-2» полимерининг бошқа компонентлар иштирокида қум структурасини мустаҳкамлаши, адсорбцион қобилияти ошиши, унда турли микроэлементлар мавжудлиги эса ўсимликларнинг тезроқ ўсишини, композиция таркибига фосфогипсни қўшиш эса қум зарралари қотишини мустаҳкамлаши ва қотган қум қатлами остида намлик узоқ сақланиши ва шамол эрозиясини камайтириши аниқланди.

Маълумки, структура ҳосил қилувчи қоришманинг оқувчанлик хоссаларини механик таъсирлар ёки сув қўшиб ўзгартириш мумкин. Структура ҳосил қилувчи қоришманинг бу хусусияти ундан катта майдонларга ишлов беришда муҳим бўлади. Техник ва меъёрий ҳужжатлар таҳлили шуни кўрсатдики, қум дефляциясига қарши сепиладиган қатламларга қўйилган талаблар тез эластик деформация модулининг қиймати ўрнатилган меъёрлар атрофида бўлиши керак.

Бу шароитда олинган ҳимоя қатлами намунаси, унинг қалинлиги ва намлиги аниқланганидан сўнг Фруд таклиф этган шартларни инобатга олиб шамолга бардошликни аэродинамик қувурда ўргандик. Сўнгра эса намуналарнинг механик мустаҳкамлиги, пластиклиги ва йўқотилган массасини аниқладик (2-3-жадвал). Тадқиқотлар кўрсатдики, қуруқ қумдан кўра нам қумда ҳосил бўлган ҳимоя қатламининг механик мустаҳкамлиги, масса йўқотиши, шамолга бардошлилиги каби кўрсаткичлари бир хил концентрацияли полимер эритмаларини қўллагандагидан 15-16 % га ортиб, қатламнинг емирилиши ҳам сезиларли даражада юқори бўлиши аниқланди.

2-жадвал

«СХМ-1» асосида олинган қумни ҳимоя қатламининг шамолга бардошлик кўрсаткичлари. (шамол тезлиги $v=20$ м/сек).

Қотирувчи полимер сарфи 0,5% $q, \text{ л/м}^2$	Қуруқ қумда			Нам қумда		
	Қатлам қалинлиги $h, \text{ мм}$	Мустаҳкамлик $P, \text{ кПа}$	Масса йўқотиши $\Delta m, \%$	Қатлам қалинлиги $h, \text{ мм}$	Мустаҳкамлик $P, \text{ кПа}$	Масса йўқотиши $\Delta m, \%$
5	10	7,2	0,2	16	8,4	0,12
4	8	5,5	0,4	14	6,2	0,2
3	6	5,0	0,7	12	5,5	0,3
2	5	3,5	3	11	4,0	0,5
1,5	3	3,2	5	8	3,6	3
1,0	3	3,0	10	5	3,2	5
0,5	0-2	1,3	12	3	2,8	10

«СХМ-2» асосида олинган кумни ҳимоя қатламининг шамолга бардошлилик кўрсаткичлари. (шамол тезлиги $v=20$ м/сек).


Қотирувчи полимер сарфи 0,5% $q, \text{ л/м}^2$	Қуруқ кумда			Нам кумда		
	Қатлам қалинлиги $h, \text{ мм}$	Мустаҳкамлик $P, \text{ кПа}$	Масса йўқотиши $\Delta m, \%$	Қатлам қалинлиги $h, \text{ мм}$	Мустаҳкамлик $P, \text{ кПа}$	Масса йўқотиши $\Delta m, \%$
5	11	10	0,12	19	12,6	0,04
4	9	8,2	0,32	17	10,2	0,02
3	7	6,9	0,46	15	9,2	0,1
2	6	5,5	0,7	13	8,4	0,15
1,5	4	4,8	4	10	6,6	1,5
1,0	3,2	3,4	5	8	5,2	3,5
0,5	1,2	1,3	6	5	3,8	8

Саноат полимер-қотирувчилари ПАА ва ГИПАН асосида олинган кумни ҳимоя қатламининг шамолга бардошлилик кўрсаткичлари


Қотирувчи полимер сарфи $q, \text{ л/м}^2$	Қуруқ кумда			Нам кумда		
	Қатлам қалинлиги $h, \text{ мм}$	Мустаҳкамлик $P, \text{ кПа}$	Масса йўқотиши $\Delta m, \%$	Қатлам қалинлиги $h, \text{ мм}$	Мустаҳкамлик $P, \text{ кПа}$	Масса йўқотиши $\Delta m, \%$
ГИПАН-5	6	5,6	0,8	12	6,4	0,6
ГИПАН-4	4	3,8	1,4	10	5,2	3
ГИПАН-3	3	3,0	2,7	8	3,2	3,3
ГИПАН-2	2	2,5	4,9	6	2,0	4,5
ГИПАН-1,5	2	2,2	8,5	4	1,6	8,5
ГИПАН-1,0	1,5	1,4	12,4	2	1,2	10,5
ГИПАН-0,5	0-1	0,8	14,0	1	0,4	14,0
ПАА-5	8	5,2	0,6	14	7,2	0,69
ПАА-4	6	4,0	1,0	12,9	5,4	1,6
ПАА-3	5	3,6	2,0	11,0	4,2	3,2
ПАА-2	4	3,2	3,6	9,8	3,6	5,5
ПАА-1,5	3	2,8	5,9	6,5	2,8	7,8
ПАА-1,0	2,5	2,7	11,2	3,5	1,2	9,2
ПАА-0,5	2	1,2	12,4	2,5	0,8	10,6

Кўчувчан кумлар рельефига кўра текисликларга оид эканлигини ҳисобга олиб, (текисликлар учун жой рельефининг $5-10^\circ$ қиялиги хос бўлади) ана шундай қияликлар учун пластик мустаҳкамликнинг талаб даражасидаги катталигини аниқлаш буйича тадқиқотлар ўтказилди (5-, 6-расм). $5-10^\circ$ ли қияликларда кум монолит қатламининг пластик мустаҳкамлиги камида 5 кПа бўлиши шарт.

Шамол таъсирига бардошлик кўрсаткичлари нам кум намуналарига «СХМ» русумидаги полимер эритмалари концентрациясини ортиб бориши билан қуруқ кум намуналарига нисбатан шиддатли тарзда ортиб бориши ҳамда полимер сарфининг оз миқдориди ҳам эришиш мумкинлигини лаборатория синовларида аниқланди.



5-расм. Қуруқ қумда хосил қилинган химоя қатлами мустахам лигининг «СХМ-1» полимернинг 1 м² га (1,2,3,4,5,6,7) ва ГИПАН(1¹,2¹,3¹,4¹, 5¹ 6¹,7¹)сарфиган полимерга боғлиқлиги



6-расм. Қуруқ қумда хосил қилинган химоя қатлами мустахам лигининг «СХМ-2» полимернинг 1 м² га (1,2,3,4,5,6,7) ва ПАА (1¹,2¹,3¹,4¹, 5¹,6¹,7¹) сарфиган полимерга боғлиқлиги


Бу нам қум намуналарида полимер сувли эритмасининг чуқурроқ сингиб бориши, шунингдек, химоя қатламининг қуруқ қум намунасига нисбатан деярли 1,5-2 мартаба қалинроқ катталикка эга бўлиши билан изоҳланади. «СХМ» русумидаги қотирувчи полимер эритмалари асосида тайёрланган қотирувчи композицияларнинг орасида ҳам сезиларли фарқ борлиги олиб борилган тадқиқотлар натижасида аниқланди ва табиий полимер лигнин асосида олинган полимернинг намликни сақлаш хусусияти (7-расм), намунанинг механик, пласто-эластиклик хусусиятларини ошириш хоссалари ва полимер шимилишнинг максимал чуқурлиги қум намлиги 19-20 % оралиғида бўлиши (5-жадвал) да ўзининг эксперименталь тасдиғини топди.

5-жадвал

Шимдириш усулининг технологик мақсадга мувофиқлиги учун намлик чегарасини аниқлаш (сарф 5-2 л/м²)

Эритма тури	Қумнинг намлиги W, %	Эритманинг турли сарфида л/м ² қатламнинг қалинлиги h, мм			Шимиловчанлик
		5	3	2	
ГИПАН (0,5%)	24	-	-	-	Шимилиш йўқ
	22	5 гача	3 гача	3гача	Шимилиш қисман
	20	15-20	10-15	8-11	Шимилиш қисман
	19	15-18	10-13	8-10	Шимилиш кўп
ПАА(0,5%)	24	-	-	-	Шимилиш йўқ
	22	5 гача	3 гача	3гача	Шимилиш қисман
	20	15-22	11-16	10-12	Шимилиш қисман
	19	15-19	10-15	9-11	Шимилиш кўп
СХМ-1 (0,5%)	24	5 гача	3 гача	3гача	Шимилиш кам
	22	15-20	12-16	12-16	Шимилиш қисман
	20	25-30	20-25	18-23	Шимилиш тўлиқ
	19	35-40	30-35	20-25	Шимилиш тўлиқ
СХМ-2	24	14 гача	12 гача	10 гача	Шимилиш кам
	22	15-20	15-20	12-15	Шимилиш қисман

(0,5%)	20	20-25	22-26	14-20	Шимилиш тўлик
	19	30-35	25-30	22-25	Шимилиш тўлик



7-расм. 1 - вақт ўтиши билан қум намлигининг ўзгариши. 2 - қум, вақт ўтиши билан СХМ-1, СХМ-2 полимер қўлланилган қум намлигининг ўзгариши.

Қумларни қотириш учун биологик ва физик-кимёвий усулларнинг умумлаштирган усули танланганлиги сабабли ҳимоя полимер қум қатламини яратишда фитомелиорация самарадорлиги ошишига алоҳида эътибор қаратилди. Бунинг учун ҳимоя қатлами остида намлик захирасини яратиш зарур бўлади. Бунда қалинлиги $h \geq 5$ мм бўлган қатлам пайдо бўлиши учун боғловчи оқими тезлиги қуруқ қумда ва «СХМ» асосида 2,0 дан 3 л/м² ҳамда ГИПАН ва ПАА асосида 4,0 дан 5 л/м² га етиши аниқланди ва нам қумда боғловчи оқим тезлиги 1,5 га туширилди. Бундан ташқари, қатламларнинг пластик мустаҳкамлик кўрсаткичлари 5,0-8 кПа оралиғида бўлиши аниқланди, бу эса талаб қилинган меъёр $R_m \geq 5$ кПа дан катталиги ҳисобланиб, ишлаб чиқилган полимер қотирувчилар ҳимоя қатламларининг қурилиш ва технологик хусусиятлари аниқланди, бу уларнинг шамолга чидамлилиқ талабларига мувофиқлигини тасдиқлади.

СХМ полимерларининг совуққа чидамлилиқ хоссаларини аниқлаш учун синовлар ГОСТ- 10060-2012 бўйича аниқланди (6- жадвал).

6– жадвал

“СХМ” қўшимча билан қотирилган қум намуналарини совуққа чидамлилиқка синаш натижалари

Боғловчилар	Синашдан аввалги намуна оғирлиги, г	Синашдан кийинги намуна оғирлиги, г	Қотирилган қум қатламининг хусусиятлари				Натижаси
			Мустаҳкамлик, кПа	Мустаҳкамлик кПа	Музлатиш ва эритишдаги йўқотиш, %		
					Масса	Мустаҳкамлик	
Сув			-	-	100	100	
СХМ-1	1732	1683	7,8	6,55	2,8	11	F35
СХМ-2	1731	1679	4,74	3,98	3	12,2	F28

Қум юзасида монолит ҳимоя қатламининг мустаҳкамлик чегарасини оширишга оид маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, «СХМ» русумидаги қўшимчаларнинг киритилиши полимер-қотирувчининг эксплуатацион ҳароратнинг паст ва юқори диапазонида монолит ҳимоя қатламининг катта куч таъсирига бардошлилик қобилиятини оширади. Бу

эса эксплуатацион ҳароратнинг кенг интервалида монолит ҳимоя қатлами юқори чидамликка ва ишончликка эгаллигини таъминлайди.

7 -жадвал

**Полимер эритмаларининг амалиётда қўллаш учун тавсия этилган
концентрациялари**

Қотирувчи полимер тури	Концентрация, %	Қотирувчи полимер сарфи q , л/м ²	
		Қурук қум	Нам қум
ГИПАН	0,5	5-5,5	5,5
ПАА	0,5	4-4,3	4,5
«СХМ-1»	0,5	3,5	3
«СХМ-2»	0,5	3	2,5

Диссертациянинг «Қумни қотирувчи реагентларни олиш технологиясини ишлаб чиқариш, амалиётда қўллаш ва унинг техник-иқтисодий кўрсаткичлари» деб номланган бешинчи бобида олиб борилган лаборатория ва амалий тажриба тадқиқотлар асосида маҳаллий хом-ашё асосида СХМ русумидаги қотирувчи реагентларни соддалаштирилган усулда олиш технологияси ишлаб чиқилган.

Ишланманинг техник-иқтисодий кўрсаткичларини ҳисоблаш учун қумларни қотириш учун зарур бўлган полимер эритмасидан фойдаланишнинг техник-иқтисодий кўрсаткичларини ҳисобладик. Ўтказилган лаборатория ва амалий тажриба-тадқиқотлар асосида маҳаллий хом-ашё асосида «СХМ» русумидаги қотирувчи-реагентлар ишлаб чиқаришнинг қулай, содда ва арзон технологиялари ишлаб чиқилди.

Ҳисобланган техник-иқтисодий кўрсаткичларга кўра, ПАА полимер-фиксатори учун ортикча ресурслар талаб қилинади. «СХМ» русумидаги қотирувчи-реагентлар эритмасини тайёрлаш учун эса исталган сувдан фойдаланиш мумкин, саноат техноген чиқиндиларини хом-ашё сифатида қўлланганда харажатларининг кескин камайиши таъминланади.

ХУЛОСАЛАР

1. Мамлакатимизнинг шимолидаги чўл ҳудудларининг мураккаб табиий-географик тузилиши темир йўл ва автомобиль йўлларининг бир текис ишлашини қийинлаштирадиган кўчувчи қум зоналари табиатига эгаллиги, қумларнинг гранулометрик ва минералогик тузилиши, таркиби эса турли кварц, инdezит, дала шпати, ильменит, металл оксидларига бойлиги қумни қотириш жараёнини олиб боришга катта тўсқинлик қилиши маълум бўлди.

2. Дастлабки олиб борилган илмий изланишлар қумни қотириш учун технологик ишларни олиб бориш зарурати ва муҳимлигини кўрсатди, бунинг учун республикамизда захиралари кўп бўлган саноатнинг техноген чиқиндиларидан фойдаланиш имкониятлари ўрганилди.

3. Саноат техноген чиқиндилари “Навоийазот” ОАЖ ГИПАН ишлаб чиқариш жараёни чиқиндиси ва лигносульфонатни фосфорлаб олинган «СХМ-1» ва «СХМ-2» полимер-қотирувчилари синтези жараёни оптималлаштирилиб, уларнинг амалий хоссалари ўрганилди. Қумларнинг турли сувли дисперс муҳитда ҳамда турли қотирувчилар тизимида электр

ўтказувчанлик кинетикаси, кум ва полимер-фиксатор ўртасида содир бўладиган кимёвий боғланиш жараёнлари содир бўлишининг ИҚ-спектроскопия, сувнинг филтрланиш тезлиги ва шамол дефляциясига таъсири ўрганилди ва «СХМ» русумидаги полимер-фиксаторларнинг саноат полимерларига нисбатан самарали эканлиги аниқланди.

4. «СХМ-1» ва «СХМ-2» полимерлари кум зарралари билан ўзаро таъсирлашиши биринчидан, кум зарраларининг полимерга ўралиб бири-бирига нисбатан сирпаниши, иккинчидан, кум зарраларининг структура ҳосил қилишига олиб келади. Дала синовлари кўрсатдики, «Мискин-Учқудук» темир йўл дистанцияси атрофидаги кумга «СХМ-2» полимери билан ишлов берилганда эрозиянинг кескин камайиши ва ҳаттоки, умуман тўхташи, бунда «СХМ-2» полимери кумнинг сув ва ҳарорат режимини барқарорлаштириб, чўл ўсимликлари ўсишини жадаллаштириш кузатилди.

5. Кум таркибидаги натрий хлор ва кальций хлориднинг мавжудлиги «СХМ-2» полимери билан ишлов берилганда зич бўлмаган таркибдаги чўкмани ҳосил қилиши кузатилди. Бунда «СХМ-1» ва «СХМ-2» полимерлари самарадорлиги ҳисобланди, олинган натижага кўра намунавий кумда «СХМ-2» полимерининг самарадорлиги 0,5 % концентрацияда 1 м²/л га сарфлангани натижасида СХМ полимери ПАА га нисбатан 1,5 бараварга тежаллади.

6. «СХМ» қотирувчи полимер-фиксатор эритмасининг 0,5 % гача бўлган сувли эритмасининг маълум бир сарфида намлик $W = 20\%$ бўлган қуруқ ва нам кумни сингдириш натижасида ҳосил бўлган полимер кум қатламининг хусусиятларини ўрганиш шуни кўрсатдики, шамолга чидамлилиги шароитида химоя қатламларнинг қалинлиги саноат полимери полиакриламидга нисбатан 1,5-2 баробар юқори бўлади.

7. Ўтказилган тадқиқотлар кўрсатдики, «СХМ-2» полимерини йирик, металл ионларига бой бўлган кум зоналарида, «СХМ-1» полимерини майда, тузга бой бўлган чўл ҳудудида қўллаш катта самара бериши аниқланди.

8. Тадқиқотлар натижаси кўрсатдики, СХМ полимерларининг совуққа чидамлилиги 28-35 марталиги, бу эса мазкур полимерлар асосида қотирилган кумнинг мустаҳкамлиги 1,5-2 йилгача барқарор бўлиши аниқланди.

9. Лаборатория ва тажриба тадқиқотлари натижасида маҳаллий хом-ашё асосида «СХМ» маркали қотирувчи-реагент ишлаб чиқаришнинг қулай, содда ва арзон технологияси ишлаб чиқилди. Техник-иқтисодий кўрсаткичлар тасдиқладики, ПАА полимерини тайёрлаш учун тоза сув талаб этилади, уни келтириш катта ресурсларни талаб этади. «СХМ» русумидаги қотирувчи-реагентлар эритмасини тайёрлашда эса маҳаллий шўр ва сизот сувларидан фойдаланиш, саноат техноген чиқиндиларини хом ашё сифатида қўллаш натижасида транспорт ва энергия харажатларининг кескин камайиши таъминланади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc 26/30.12.2019.Т.11.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
НАУЧНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ PhD ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
АРХИТЕКТУРНО-СТРОИТЕЛЬНОМ ИНСТИТУТЕ**

ТАШКЕНТСКИЙ АРХИТЕКТУРНО-СТРОИТЕЛЬНЫЙ ИНСТИТУТ

САБУРОВ ХУРСАНД МАМБЕТСАЛИЕВИЧ

**ТЕХНОЛОГИЯ ПРИМЕНЕНИЯ И УЛУЧШЕНИЯ СВОЙСТВ
ПОДВИЖНЫХ ПЕСКОВ С МОДИФИЦИРОВАННЫМИ
СОЕДИНИТЕЛЯМИ НА ОСНОВЕ МЕСТНОГО СЫРЬЯ**

05.09.05 – Строительные материалы и изделия

**АВТОРЕФЕРАТ
на соискание степени доктора философии (PhD) по техническим наукам**

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по экономическим наукам зарегистрировано в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за **B2021.4. PhD**

Диссертация выполнена в Ташкентском архитектурно-строительном институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.taqi.uz) и в Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель: **Косимов Иброхим Иркинович**
доктор технических наук, в.и.о. профессор

Официальные оппоненты: **Хасанов Бахридин Баратович**
доктор технических наук, профессор

Турапов Махмуд Турапович
кандидат технических наук, доцент

Ведущая организация: **Джизакский политехнический институт**

Защита диссертации состоится «30» декабр 2021 года в 10⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.26/30.12.2019.T.11.01 при Ташкентском архитектурно-строительном институте, (Адрес: 100011, г. Тошкент, ул. Абдулла Кадири, дом 7в. Тел.: (99871) 241-10-84; факс: (99871) 241-80-00; e-mail: devon@taqi.uz, taqi_atm@edu.uz).

С диссертации можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского архитектурно-строительного института (зарегистрирована за №67). (Адрес: 100084, г. Тошкент, Кичик Халка йўли, д. 7. Тел.: (99871) 232-43-30 факс: (99871) 234-15-11, e-mail: taqi_atm@edu.uz), (99871) 241-80-00; e-mail taqi_atm@edu.uz).

Автореферат диссертации разослан « ____ » _____ 2021 года.
(реестр протокола рассылки № _____ от « ____ » _____ 2021 года).

Х.А. Акромов
Председатель Научного совета по
присуждению учёных степеней, д.т.н.,
профессор

А.Т.Хотамов
Ученый секретарь Научного
совета по присуждению ученых
степеней, д.т.н., доцент

Б.А. Аскарров
Председатель научного семинара при
научном совете по присуждению
ученых степеней, д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Сегодня в мире исходя из требований строительства дорог в зонах песков растёт значение строительства и непрерывное использование автомобильных и железных дорог. В связи с этим в важную задачу превратилось обеспечение безопасности использования данных инфраструктурных объектов и их эксплуатационного состояния, снижение негативных влияний на них различных факторов. Одним из факторов, оказывающих негативное влияние на данные объекты, считается сезонное влияние подвижных песков на автомобильные и железные дороги. В настоящее время это является острой проблемой в большинстве стран мира. Поэтому в этих странах, в частности, в США, Иране, Китае, России, Казахстане, Туркменистане уделяется большое внимание к усовершенствованию технологий защиты от влияния подвижных песков и несущего их ветра. С этой точки зрения в плане защиты автомобильных и железных дорог от негативного влияния подвижных песков актуальными считаются: разработка на основе современных требований методов и технологий закрепления песка, разработка средств защиты от ветровой дефляции песка, создание ресурсо- и энергосберегающих методов по оценке их прочности, разработка составов нового поколения для закрепления песка.

В технически и технологически развитых странах мира ведётся ряд научных исследований по разработке биологических, механических, физико-химических методов и на их основе ресурсосберегающих технологий для сохранения автомобильных и железных дорог от наноса песком. Следует заметить, что в качестве самых эффективных направлений защиты автомобильных и железных дорог от влияния подвижных песков являются пропитывание соединителей к подвижным пескам технологическим путём и, в результате этого, усовершенствование физико-химических методов их закрепления с образованием корки против дефляции песка.

Кроме этого, приоритетным и перспективным направлением разработки ресурсо- и энергосберегающих методов на основе определенных критериев при оценке прочности песчанно-соединительной защитной корки против дефляции песка является использование вторичных сырьевых ресурсов, отходов производства местной промышленности в качестве раствора для закрепления подвижных песков в сухом и влажном состоянии, и большое внимание завоевывает разработка более эффективных видов песчанно-соединительной корки на основе получения из них рабочих составов соединителей.

В нашей стране осуществляются широкомасштабные меры и, при этом достигаются определенные результаты, по развитию в зонах песков дорожно-транспортной инфраструктуры и улучшения эксплуатационного состояния автомобильных и железных дорог, строительству промышленных, специальных и транспортных сооружений и их использованию. В Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики

Узбекистан определены задачи по “повышению конкурентоспособности национальной экономики, снижению расходов энергии и ресурсов в экономике, внедрению энергосберегающих технологий в производстве”². Реализация данных задач, в т.ч., создание служащего против дефляции песка и имеющего определенные свойства изделия-корки, разработка технологий для повышения производительности в процессе закрепления подвижных песков являются важнейшими задачами в этой сфере.

Данное диссертационное исследование в определенной мере служит осуществлению задач, определенных в Указе Президента Республики Узбекистан ПФ-3422 “О мерах усовершенствования транспортной инфраструктуры и диверсификации внешних торговых направлений грузоперевозок в 2018-2022 годах” от 2 декабря 2017 года, в Решении Президента Республики Узбекистан РП №4198 “О мерах радикального усовершенствования и комплексного развития промышленности строительных материалов” от 20 февраля 2019 года и в других нормативно-правовых документах по деятельности данной сферы.

Взаимосвязь темы исследования выполняемой диссертации с приоритетными направлениями развития науки и технологий в республике. Данное исследование выполнено согласно приоритетным направлениям VII. «Химические технологии и нано технологии» и принятой 22 декабря 2015 года и ратифицированной 195-ю странами, а также, Республикой Узбекистан конвенцией ООН по противодействию к опустыниванию.

Степень изученности проблемы. Из-за остроты данной экологической проблемы подвижных песков и опустынивания в различное время в мировом и отечественном масштабе были осуществлены многие научно-исследовательские работы. Полученные результаты этих исследований публикуются на различных языках (Toupet, Charles-Paris; Ashkenazy, Y.Yizhaq, H.Tsoar, H.-Australia; Courel, M.-Paris; Rochette, R.-Weikersheim, Magraf). По данной проблематике важное значение имеют научные труды некоторых зарубежных исследователей-ученых как Ben Salah Chafik, Pouget M. Fezzani C., Robert S. McNamara, Sharon David, Tamara Vereshchaka, Edward Arnold.

